

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия  
Академияси

*Бибигулова*

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 657.1

Маматов Зайнидин Тулабоевич

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини  
ўтказишни такомиллаштириш масалалари

Ихтисослик: 08.00.08.-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва  
аудит»

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

ТОШКЕНТ-2005

Диссертация Тошкент Молия институтининг «Бухгалтерия  
ҳисоби ва аудит» кафедрасида бажарилган

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор  
Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич

иқтисод фанлари доктори, профессор  
Кудбиев Давлатбай Кудбиевич

иқтисод фанлари доктори, профессор  
Жўраев Нуриддин Юсупович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги


Диссертация 2005 йил «17» май соат «14<sup>00</sup>» да  
Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси хузуридаги  
иқтисод фанлари доктори илмий даражаси ҳимояси бўйича бир  
марталик К.005.25.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган  
кенгашнинг йиғилишида ҳимоя қилинади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Х.Арипов кўчаси, 16 уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил «17» май да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган  
Кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент



А.У.Усанов

## I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайиб бормоқда. Булар иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилмоқда.

Президент И.А.Каримов ўз нутқида: «Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда.»<sup>1</sup> деб эътироф этди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, молиявий ҳисобот аудитини тўғри ташкил қилиш, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш заҳираларини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни, хусусан, молиявий ҳисобот аудитини, бозор талаблари асосида ташкил этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит мазмунан ва моҳият жиҳатдан эркин иқтисодиётга мослаб янгиланмоқда. Хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартлари қабул қилиниб, амалда жорий этилмоқда. Натижада бухгалтерия ҳисобини ва аудиторлик фаолиятини халқаро талаблар даражасида ташкил этиш имкониятлари яратилмоқда. Аммо бу ислохотлар ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг бир қисми ҳисобланади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда аудит ҳали ривожланиш даврини бошидан кечирмоқда. Аудиторлик фаолиятидаги ислохотлар замон талаблари даражасида кенг ривожланиши жуда мураккаб ва қийин кечмоқда. Уни қонун, илмий-услубий ва бошқа асосларда тартибга солиш имкониятларидан тегишли фойдаланмапти.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатларининг шаклланиб бориши хўжалик юритувчи субъектлар молиявий

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва ишлаган, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқи, ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан.Т.: «Ўзбекистон», 2005. 76-бс.

ҳисоботини аудиторлик текширишдан ўтказиб, улар фаолиятини баҳолаб натижаларига хулоса бериш усулларига янгича, замонавий ёндошувларни зарурият қилиб қўймоқда. Ушбу муаммолар аудиторлик фаолиятининг сифатини яхшилаш, уни ташкил этиш ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, унинг назарий ва услубий жиҳатларини қараб чиқиш ҳамда чуқур тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда. Бундай шароитда бир томондан, мамлакатимиз учун анъанавий бўлмаган ҳалқаро аудит тажрибасига иккилик билан ёндошмоқ зарур бўлса, иккинчи томондан, бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар назоратининг ўзига хос ҳисоб тизими шароитларига мослашишини таъминламоқ лозим. Ушбу объектив жараёнларнинг ҳаммаси хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг ривожланишида, шунингдек, аудитнинг вужудга келиши ва такомиллашишига оид муаммоларнинг кўпгина долзарб жиҳатлари сўнгги йилларда нашр этилган хорижий ва Ўзбекистон олимларининг монографияларида, илмий мақолалари ва тадқиқотларида ўз аксини топган. Хусусан, биринчи гуруҳ хорижлик олимларнинг: Адамс Р., Аренс А., Лоббек Дж., Робертсон Дж., Дефлиз Ф.Л., Дженик Г.Р., Рейлли В.М., Хирш М.Б., Кармайкл Д.Р., Бенис М., Россиялик: Андреев В.Д., Гутцайт Е.М., Данилевский Ю.А., Скобара В.В., А.С.Терехов, Шеремет А.Д., Суйц В.П.<sup>2</sup>ларнинг асарларида аудитнинг умум-назарий масалалари қараб чиқилган. Иккинчи гуруҳ республикаимиздаги олимлардан Кудбиев Д.Қ., Мусаев Х.Н., Санаев Н.С., Тулахўжаева М.М., Иткин Ю.М., Хасанов Б.А., Ўрозов К.Б., Дўсмуродов Р.Д.<sup>3</sup>ларнинг асарларида молиявий назорат ва аудитни, шу жумладан, ички аудитни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Айрим

<sup>2</sup> Адамс Р. Основы аудита: Пер.с англ./Под ред.Проф. Я.В.Соколова. -М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. -398 с.; Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. М.А. Терехова и др.: Гл. ред. Серии UNCTC проф. Я.В. Соколов. -М.: Финансы и статистика, 1995. -560 с.; Аудит Монтомери / Ф.Л.Дефлиз, Г.Р.Дженик, В.М.Орейли, М.Б.Хирш; Пер. с англ. С.М. Бычковой /Под ред. Проф. Я.В.Соколова. -М.: Аудит ЮНИТИ, 1997. -542 с.; Кармайкл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита: Пер. с англ. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995 г. -527с.; Андреев В.Д. Практический аудит (справочное пособие). - М.: Экономика, 1994. -366 с.; Гутцайт Е.М. Аудит: концепция, проблемы, эффективность, стандарты. - М., «ЭЛИТ 2000», «ЮНИТИ-ДАНА», 2002 г. - 400 с.; Данилевский Ю.А. Аудит промышленных акционерных обществ. - М.: Финстатинформ, 1995. -78 с.; Скобара В.В. Аудит: методология и организация (монография). -М.: Дело и сервис, 1998. -576 с.; Терехов А.А. Аудит. -М.: Финансы и статистика, 1998. 512 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. - М.: ИНФРА-М, 1995 г. -240 с.

<sup>3</sup> Кудбиев Д.Қ. ва бошқ. Корхона молиявий хўжалик фаолиятининг аудити. -Фаргона политехника институти. 1998. -165 б.; Мусаев Х.Н. «Аудит». - Т.: «Молия», 2003. - 220 б.; Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. -Т.: «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001. - 334 б.; Тулахўжаева М.М. Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистана: Автореф. дис.... докт. экон. наук.-М.: МГУ. им. М.В.Ломоносова. 1998.; Иткин Ю.М. Проблемы становления аудита -М.: Финансы и статистика, 1991, 160 с.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: 08.00.08. Иқтисод фанлари доктори ... дис. Автореферати/. -Т., 2004. -42 б.; Ўрозов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. II-қисм, Самарқанд, СамИСИ, 2004. -227 б.; Дўсмуродов Р.Д. Аудит асослари. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2003. - 604 б.

олимлар: Акрамов Э.А., Абдуллаев Ё.А., Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ.<sup>4</sup>ларнинг асарларида аудитнинг иқтисодий таҳлил билан боғлиқлиги ёритилган. Олимлардан: Жўраев Н.Ю., Жуманов О.М., Ибрагимов А.К., Сотиволдиев А.С., Пардаев А.Х., Гадовев Э.Ф., Юлдашев С.Ш.<sup>5</sup>лар ва бошқаларнинг асарларида аудитни бошқарув қарорларини қабул қилишда менежментнинг бир функцияси сифатида қаралган.

Аммо, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитининг назарий ва методологик жиҳатлари атрофлича тадқиқ қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича концептуал йўналишлари ҳамон ишлаб чиқилмаган. Боз устига, ушбу муаммо бўйича мамлакатимизда номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинмаган. Бу эса бугунги кун талабларига жавоб берадиган илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда. Шу жиҳатдан, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши мазкур ишнинг ўта долзарблигини белгилайди.

**Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация мавзуси ҳамда олиб борилган тадқиқот Тошкент Молия институти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан ўзаро боғлиқ.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитининг ҳозирги пайтдаги ҳолатини таҳлил этиш, уни назарий, ташкилий ва услубий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Белгиланган мақсадга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида тафтиш ва назоратни ислоҳ қилишнинг объектив зарурияти ва молиявий ҳисоботлар аудитининг вужудга келишини илмий тадқиқ қилини;

<sup>4</sup> Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. -Т.: Молия. 2003. -224 б; Абдуллаев Ё. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил. - Т.: «Меҳнат», 2001.; Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 2001. -256 б; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-2 қисм. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001. -256 б.

<sup>5</sup> Жўраев Н.Ю. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг тараққиёти -Т.: Ж/Иқтисодиёт ва таълим, 2003 йил, 2-сон.; Джуманов А.М. Система учета затрат и калькулирования себестоимости продукции в интегрированном хлопковом агропромышленном производстве. Автореф. Дисс. На соиск. уч. степени докт. экон. наук. -М.: Изд-во МГУ, 1994 г с. 48; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: 08.00.08 Иқтисод фан. доктори. Автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т., 2002. -42 б; Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замоनावий бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-2-том. 2002. -122 б; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. -Т.: Академия. 2002. -176 б; Гадовев Э.Ф. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунари, 1999 йил 2-сон.; Юлдашев С.Ш. и др. Основы бухгалтерского учета (на основе международных стандартов и стандартов бухгалтерского учета Р.У.а.) Вашингтон. 1996. -312 с.

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда тезкор усулдан фойдаланиш, ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш каби муаммоларни ҳал этиш юзасидан илмий тавсиялар бериш;

- иқтисодийetni эркинлаштириш шароитида аудиторлик хизмати бозорининг шаклланишидаги ўзига хос хусусиятларни тадқиқ этиш ва аудиторлик хизмати бозорини эркинлаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

- молиявий ҳисоботнинг аудитини ўтказишда томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларидаги муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

- молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлик ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тегишли жавобгарлик, масъулиятини ошириш ва уни суғурталаш муаммоларини ҳал этиш йўллари кўрсатиб бериш;

- молиявий ҳисобот аудитини ўтказишнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи аудиторлик далиллари ва уларнинг аудит натижаларини баҳолашда зарурлигини, унинг сифатини белгилаб берувчи ижобий ва салбий омилларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда муҳимлилик даражасини аниқлаш услубини такомиллаштириш, уни илмий асослаш ва амалиётга қўллашга оид илмий тавсиялар бериш;

- молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда статистик усуллардан фойдаланиш имкониятлари ва унинг афзалликларини аниқлаш ва илмий тадқиқ этиш;

- статистик усуллардан фойдаланиб молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш усулларини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб бериш ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аудитнинг миллий стандартларини халқаро стандартлар талабларига қиёслаш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, уни амалиётга тадбиқ қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини аудит қилишда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан фойдаланиш каби масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

- молиявий ҳисоботда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказишга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети иқтисодийetni эркинлаштириш шароитида Республикамизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ташкил этиш ва уни ўтказишнинг назарий, амалий ва услубий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот объекти бўлиб, турли мулкчилик шаклларига асосланган саноат корхоналари ва хўжалик субъектлари сифатида фаолият кўрсатиб келаётган аудиторлик ташкилотлари ҳисобланади.

Илмий тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари бўлиб иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларни ўрганишда қўлланиладиган усуллар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларидаги соҳага доир илгари сурилган гоёлар диссертация ишнинг назарий асосини ташкил қилади. Бундан ташқари илмий ишда Адлия ва Молия вазирликларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлардан, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг таниқли иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

**Илмий янгилиги** бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишнинг такомиллаштириш бўйича назарий ва методологик муаммоларининг ҳал қилинганлиги ва уни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган.

- мамлакатимизда тафтиш ва назоратни ислоҳ қилишнинг объектив зарурлиги асосланди ва молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда мустақиллик тамойилининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилиниб уларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди;

- молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (Қонунлар, Низом, аудитнинг миллий стандартлари)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ва уни ўтказиш бўйича ички стандартлар (қоидалар) ишлаб чиқилди ва амалиётга қўллаш учун аниқ тавсиялар берилди;

- молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ва унинг натижалари бўйича томонларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, уларнинг ўзаро масъулияти (жумладан, аудиторларнинг учинчи шахслар олдидаги масъулияти, жавобгарлиги ва аудиторларнинг жиноий жавобгарлиги)га зарур аниқликлар киритилди ва уларни жорий қилиш бўйича аниқ тавсиялар берилди;

- молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш натижаларига кўра аудиторларнинг профессионал жавобгарлигини суғурталаш масалаларига оид таклифлар ишлаб чиқилди ва уларни тегишли меъёрий ҳужжатларда ифода этиш йўллари кўрсатилди;

- текширилаётган молиявий ҳисоботда эҳтимоли бўлган хатолар ва уларни тасниф этиш, муҳимлилик даражаси билан аудиторлик ҳулосасининг шакли ўртасидаги узвий боғлиқлик таҳлил қилинди ва уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди;

- хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот бўйича аудит ўтказиш натижаларига баҳо беришда статистик усуллардан фойдаланиб аудиторлик далилларни тўплаш ва унинг натижасида ахборот хатари даражасини пасайтиришга ва шу асосда унинг аудитини ўтказишни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди;

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқ аудиторнинг ҳисоботини тайёрлаш, молиявий ҳисоботда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказиш бўйича илмий-амалий жиҳатдан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** аудиторлик фаолияти бўйича тадқиқот ишида ёритилган назарий ва амалий қоидалар, хулосалар ҳамда ишланмалар Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ислоҳ қилишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш учун фойдаланиш, айрим назарий хулосалардан «Аудит» фанини ўқитиш жараёнида қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Ишнинг амалий аҳамияти, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган назарий хулосаларнинг ва услубий тавсияларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларида аудитни ташкил этиш ва юритишда қўлланишида намоён бўлади.

#### **Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш.**

Тадқиқотнинг натижалари аудиторлик фаолияти миллий стандартларини (АФМС-70, АФМС-90, АФМС-50) ишлаб чиқишда қўлланилди. Ўзбекистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмасида (2002 йил январ) етук иқтисодчи олимлар, аудиторлар молия ва солиқ органларининг мутахассислари иштирокида «Муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш лозим» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Бунда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг айрим моддаларини қайта ишлаш, уларнинг талқинидаги зиддиятларини бартараф этиш, кўшимчалар киритиш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Илмий ишда келтирилган кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти» бошқармасида, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциациясида ва Аудиторлар Палатасида тадбиқ этиш учун қабул қилинди.

**Тадқиқот натижаларини синондан ўтказиш.** Тадқиқот натижалари Москва, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маъруза қилди, давра суҳбатларида қатнашди. Ўзбекистон аудиторлар палатаси ва «Прагма» дастури бўйича ташкил этилган амалий конференцияларда ҳамда «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматини такомиллаштириш» мавзусида ТМИда ўтказилган, Халқаро Конференцияда (1998 й. май.), «Аудиторлик фаолияти:

ҳуқуқий муносабатлар ва муаммолар» мавзусидаги Халқаро илмий амалий конференциясида (ТМИ, 2004 й., 11-12 февраль), «Вопросы оплаты труда аудиторов в Узбекистане» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академиясидаги Халқаро илмий-амалий конференцияда (1999 й.), «Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусида Халқаро илмий амалий конференцияда (ТМИ, 2002 й. апрель), «Учетная политика Республика Узбекистан и международные стандарты бухгалтерского учета» мавзусида ўн бешинчи халқаро плеханов ўқишида (Москва, 27 апреля 2002 г.), «Аудит: проблемы и перспективы развития» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференцияда (ТМИ, 11-12 феврал 2004 г.), «Аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда инсон омили» мавзусида Илмий-амалий конференция (ТМИ, 15 апрель, 2004 й.) ва бошқа анжуманларда илмий маърузалар қилинган ҳамда ижобий хулосалар олинган.

Шунингдек, диссертация иши Тошкент молия институти Ҳисоб-иқтисод факультети илмий семинарида, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Бухгалтерия ҳисоби», «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Аудит» кафедраларининг қўшма мажлисида, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси кенгайтирилган илмий семинарида, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси илмий семинарида, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Илмий-тадқиқот маркази қошидаги Муаммовий кенгаш йиғилишида муҳокамадан ўтди ва ижобий баҳоланди.

**Чоп этилган ишлар.** Тадқиқот натижалари умумий ҳажми 35,6 б.т.дан иборат 40дан ортиқ чоп этилган мақолалар, тезислар, монография, ўқув қўлланмалари (шу жумладан, 20та журнал мақолалари)да ўз аксини топган.

**Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши мангитқан ўзаро боғлиқликда бўлган кириш, бешта боб, 21та жадвал, 11та чизма, хулоса, 232 номдаги адабиётлар рўйхати ва 20та иловани ўз ичига олади.

## II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш бўйича ўзининг ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Бу энг аввало, унинг ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислохотларнинг қонуний базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини амалга оширишни асосий мақсад қилиб, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислоҳ қилиш асосида кўп укладли иқтисодий негизини шакллантириш масаласи устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик - зарур ҳуқуқий омилини шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислохотлар орта чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайдиган»<sup>6</sup>.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши янги иқтисодий муносабатларни барпо этиш заруриятини туғдирди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб мулк давлат тасарруфидан чиқарила бошланди. Натижада турли мулкчилик шакллари асосланган корхона ва муассасалар, шунингдек хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар, хусусан, очиқ ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, қўшма, жамоа мулкига асосланган ва хусусий корхоналар вужудга келди. Турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини холисона баҳолаш учун молиявий ҳисоботлардан фойдаланиш ва унинг ҳаққанийлигини баҳолаш зарурати молиявий ҳисоботлар аудитининг ҳам вужудга келишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида амалдаги назорат тури бўлган тафтишни тубдан ислоҳ қилиб, унинг ўрнига нодавлат корхоналари фаолиятини назорат қилиш учун аудит хизматининг вужудга келишини тақозо қилди. Бундан ташқари, матбуотда эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланишининг заруриятлилиги уни такомиллаштириш учун асос бўлди. Буларни инobatга олиб молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар тавсия қилинди:

-корхонанинг молиявий ҳисобидан аудит қилиш натижаси бўйича алоҳида ҳисоб шакли;

-молиявий ҳисоботда хато кўрсатилган рақамлар, уларнинг тўғри миқдори қандай бўлиши хусусидаги маълумотлар;

-молиявий ҳисоботдаги тўғирланган кўркаткичларнинг тўлиқ изоҳини, яъни, унда йўл қўйилган хотоларнинг сабаблари ва меърий ҳужжатлар асосида тўғри юритиш тартиби бўйича тавсиялар;

-молиявий ҳисобот аудитида молиявий таҳлил, айниқса молиявий коэффициентлардан фойдаланиш йўллари. Бундай тавсиялар «Аудиторлик фаолияти тўғирсида» ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллашиши учун ҳам асос бўлади.

Ўзбекистонда 2005 йилга келиб 570 та мустақил аудиторлик ташкилотлари ташкил топди ва 3921 та аудиторлар малака сертификатларини олишга мияссар бўлдилар. (1-жадвал)

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон. 1995 йил, 29-б.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, айрим вилоятларда ҳар бир аудиторлик ташкилотига тўғри келадиган корхоналар сони 80 тадан ошиқ, ҳар бир аудиторга тўғри келадиган корхоналар сони эса 10 тадан кўп бўлмоқда. Бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик ташкилотлари кўриши лозим бўлган корхоналарнинг сони 14 мингдан ортиқдир. Бу камида 7 мингга яқин аудиторларни аудиторлик текширишда қатнашишини таъазо қилади. Демак, бугунги кунда қўшимча яна 3 мингдан кўпроқ аудиторларни тайёрлаш ва уларга лицензия бериш лозимлигини кўрсатмоқда.


1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида мажбурий аудит текширувидан  
утказиладиган корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари нисбати  
таҳлили**

№	Вилоятлар	Хар йили мажбурий аудит текширувидан утказиладиган корхоналар сони	Аудиторлик фирмалар сони	Аудиторлар сони*	Битта аудит фирмасига тўғри келадиган корхоналар сони	Битта аудиторга тўғри келадиган корхоналар сони.
1.	Қорақалпоғистон Рес.	721	12	104	60	7
2.	Андижон	963	35	231	27	4
3.	Бухоро	1063	16	155	66	7
4.	Жиззах	916	18	417	51	2
5.	Қашқадарё	393	37	413	11	1
6.	Навоий	1471	17	96	86	15
7.	Наманган	539	18	180	30	3
8.	Самарқанд	627	46	543	14	1
9.	Сирдарё	1458	10	142	146	10
10.	Сурхандарё	1320	16	240	82	5
11.	Тошкент	898	26	179	35	5
12.	Фарғона	1272	50	246	25	5
13.	Хоразм	915	23	203	40	4
14.	Тошкент шаҳри	2113	246	874	9	2
	Жами	14669	570	3921	26	4

- Яшаш жойига нисбатан
- Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит методологияси» бошқармасининг ҳисоботи.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши аудит бўйича миллий стандартларнинг ишлаб чиқилиши Республикамизда аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришга олиб келди. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ аудиторлик малака сертификатини беришнинг янги тартиби ўрнатилди(1-расм).



### 1-расм. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаштириш ва малака сертификатини бериш тартиби

ИЗОҲ: Ушбу расм Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Аудиторлик текширишнинг натижалари бўйича хулоса бериш махсус аудиторлик малака сертификатига эга бўлган аудиторларгагина рухсат этилади.

Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тасдиқланган махсус дастур бўйича ташкил қилинган курсларда ўқиб, малака имтиҳонини топширишга рухсат этилади ва тегишли синовдан ўтгач сертификат олишга муваффақ бўлади.

Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ва бошқа аудитга оид қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этди. Лекин, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда амалиётда мазкур меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган айрим қоидалари ҳам мукамал эмаслиги баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу масалаларни ижобий ҳал этиш учун илмий тадқиқот ишида Қонунга ва аудит стандартларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хусусан; қонуннинг 2-моддаси «Аудиторлик фаолияти» 5-моддаси «Аудиторлик ташкилоти», 16-моддаси «Аудиторлик текширувини ўтказишдаги чекловлар», 17- моддаси «Аудиторлик ташкилотнинг профессионал хизматлари» моддаларини такомиллаштириш уларга тегишли ва қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда иқтисодийни эркинлаштириш талабидан ва халқаро талабдан келиб чиқиб, турли чекловларни олиб ташлаш тавсия қилинди. такомиллаштирилди. Шунингдек, «Аудиторлик хулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 8-бандидаги аудиторнинг жавобгарлик масалаларига аниқлик киритиш мақсадида Низомга «аудиторлик ташкилотлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларида акс эттирилган қоидаларининг бузилиш ҳолатлари белгиланган қонун доирасида хўжалик судининг Қарори билан ҳал этилади» деган ўзгартириш киритилиши тавсия этилди. Бу билан, жавобгарлик масаласининг объектив ҳал этилиши асосланди.

Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишида ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Аудиторлик хизмати бозорида миллий аудиторлик ташкилотлари билан бирга йирик хорижий аудиторлик компаниялари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Масалан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йирик тижорат банклари ва хорижий инвенция иштирокидаги корхоналарни чет эл аудиторлик компаниялари аудиторлик текширувидан ўтказмоқда. Жумладан, тўртликка кирувчи хорижий компаниялар 38 та тижорат банкларидан 18 тасини қамраб олган. Миллий аудиторлик ташкилотлари 20 та банк фаолиятини текширади. Аммо, уларнинг хизмат ҳақи ўртасида жуда катта фарқлар бор.

Халқаро ва миллий аудиторлик компаниялари томонидан Ўзбекистондаги тижорат банкларининг ташқи аудитини ўтказиш учун олинadиган хизмат ҳақи таҳлили

№	Аудиторлик компаниялари номи	Банклар номи	Шартнома қиймати (минг ҳисобида)	
			АҚШ долларларида	Ўзбекистон сўмида
1	Прайс Уотерхаус Куперс	Ўзуйжойжамғармабанк*	180,0	
		Алоқабанк*	120,0	
		ЎТбанк*	110,0	
		Авиабанк*	85,0	
		ЎзДЭУбанк*	120,0	
		Ғаллабанк*	135,0	
		Ўзприватбанк*	115,0	
	Парвинабанк*	90,0		
2	Делойт энд Туш	Пахтабанк*	210,0	
		Трастбанк*	105,0	
		Ипак-йўли банк*	90,0	
		Ҳамкорбанк*	65,0	
		Ўзсаноатқурилишбанк*	115,0	
		Савдогарбанк*	45,0	
		Бизнесбанк*	80,0	
3	KPMG	1. Асакабанк	275,0	
4	Эрнест энд Янг	ТИФ Миллий банки	320,0	
		АБН Амробанк	165,0	
5.	Холлис гуруҳи	МОХТБбанк		350,0
		Тадбиркорбанк		5000,0
		АлпЖамолбанк		1600,0
		Истиқболбанк		2100,0
		Карвонбанк		2000,0
		Халқбанки		7000,0
		Капиталбанк		4500,0
		Равнақбанк		3200,0
		Қўқонбанк		600,0
		Турунбанк		5200,0
6.	Одил-Аудит	Заминбанк		3200,0
		Ташаббусбанк		600,0
		ХИФ банк		1000,0
		Ўктамбанк		700,0
		Сўғдиёнабанк		1200,0
		Адилетбанк		850,0
		Самарқандбанк		1200,0
		Туркистонбанк		1600,0
		Эрон Содеротбанк		3000,0
		Даврбанк		600,0

\*-мазкур тижорат банкларда жаҳон банки қарзи доирасида ташқи аудит текширувлари ўтказилган. Қолган тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ташқи аудит текширувларини ўтказган.

Манба: Ушбу жадвал маълумотлари ЎзР Марказий банки «Тижорат банкларини лицензиялаштириш» департаментининг 2003й.01.01.ҳолатига тузилган ҳисоботидан олинди.

«Тўртлик»ка кирувчи хорижий аудиторлик компаниялари бизнинг ташкилотларимизга нисбатан ўн баровар қиммат ҳақ

олмоқда ва уларнинг олаётган даромади хорижга чиқиб кетмоқда (2-жадвал).

Улар катта молиявий ресурсларга, бой тажриба ва билимга эга бўлганлиги боис, уларнинг профессионаллиги анча юқори.

Ўзбекистон аудиторлик хизматлари бозорида ишлаётган барча аудиторлик ташкилотларини тўртта гуруҳга ажратишни таклиф этамиз:

1. «Катта тўртлик»ка кирувчи хорижий халқаро аудиторлик фирмаларининг ваколатхоналари.

2. Мамлакатимиз 50 дан ортиқ ходими бор етакчи аудиторлик ташкилотлари.

3. 10 тадан 50 тагача ходими бор ўрта аудиторлик ташкилотлари.

4. 10 тагача ходими бор кичик аудиторлик ташкилотлари.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг аудиторлик хизматлари бозорида маҳаллий аудиторлик ташкилотларининг хизматларини шакллантириш, мамлакатимизда ҳам хорижий «Тўртлик» аудиторлик компанияларига тенглашадиган йирик маҳаллий аудиторлик компанияларини ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида уларга ҳам янги очиладиган банкларга бериладиган имтиёзлар сингари имтиёзлар бериш лозимлиги асосланди ва тавсия қилинди. Шу боисдан ҳам янги таҳрирдаги Қонун 19-моддасининг биринчи бандига: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтерия ҳисобидан ҳар қандай фойланувчилар учун фақат Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари аудиторларининг аудиторлик хулосалари юридик кучга эгадир» деган қўшимча киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот ишида аудит чоғидаги аудиторлар ва уларнинг мижозлари ҳуқуқий муносабатлари ва бурчларини амалга ошириш механизмлари батафсил ўрганилди.

Аудиторлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг бурчлари ва жавобгарлик масалаларини амалга ошириш механизмини тартибга солиш, улар ўртасида вужудга келадиган муаммоларни ечиш, уларни ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда аниқ белгиланиш каби масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ҳам қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилди.

Ишда аудиторларнинг профессионал масъулияти ва уни суғурта қилиш масалалари ҳам тадқиқ қилинди. Қонунда ва «Аудиторлик хулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомда (8-9-бандларда) кўрсатилган малакасиз ўтказилган текшириш учун жавобгарлик масаласи кўриб чиқилди. Аудиторлик фаолияти мижознинг жавобгарлигини ёки унинг солиқларни тўламаслик хатарини суғурта қилишни кўзда тутмайди. Чунки бу тегишли

лицензияси бўлган суғурта ташкилотларининг ишидир. Шу туфайли ҳозирги пайтда мамлакатимиз аудиторлик ташкилотларининг ўзини ўзи ихтиёрий суғурта қилиш усулига ўтиши мақсадга мувофиқдир, деган ҳулосага келдик. Зеро, бу лицензия олишни талаб қилмайди. Аудиторнинг ҳолис ишламаслиги унинг сифатсиз хизмат кўрсатиши каби нуқсонларни суғурта қилиб бўлмайди. Шу боисдан бундай шароитда профессионал жавобгарликни мажбурий тартибда суғурта қилиб бўлмаслиги ва ихтиёрий суғурта қилиниши лозимлиги асосланди. Ишда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда аудиторлик ташкилотларининг ҳар йили суғурта полисини олиши мажбурий қилиб кўрсатилган. Агар суғурта қилинмасдан фаолият кўрсатса, уларга берилган лицензиядан маҳрум этилади. Аммо бу жуда кўп кичик аубиторлик ташкилотларини молиявий жиҳатдан қийин аҳволга тушириб қўймоқда. Бироқ, кичик аудиторлик фирмаларида рисклар унча ката эмас. Улар асосан кичик ва ҳусусий бизнес субъектлари билан шуғулланади. Шунинг учун уларга мажбурий суғурта қилишни бекор қилиб, ихтиёрий суғурта қилиш тартибини жорий қилиш керак, деб ўйлаймиз. Бу тартиб кўрсатилган қонунда ўз аксини топмоғи лозим. Молиявий ҳисоботни ҳолисона баҳолаш ўта муҳим жараён эканлиги тадқиқ этилган ва бунга аудиторларнинг мустақиллигини таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Амалдаги қонунларда ва меъёрий ҳужжатларда молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда йўл қўйилган хотолар учун жавобгарликка ҳўжалик юритувчи субъектлар тортилади. Аммо улар аудиторлик текширувидан ўтказилган бўлиб, бу хатоликларни тегишли далолатномаларда кўрсатмаган бўлса аудиторлар ёки аудиторлик ташкилотлари жавоб беришлари лозим. Бу биринчидан, аудиторларнинг масъулиятини оширса, иккинчидан, уларнинг профессионаллик маҳоратини ҳам оширади. Бунга эришиш учун аудитор ва аудиторлик ташкилотларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигини тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик - аудиторлик касбининг асосий концепциясидир. Аслини олганда бу профессионал фикрни билдиришга, яъни ўзининг ҳалоллиги, виждонан софлиги, касбига оид бурчини бажаришга ҳолисона ёндашиши каби фазилатлар аудиторларнинг фаолияти давомида ўз вазифасини профессионал даражада бажаришига қаратилган турмуш тарзидир.

Хорижий, Россия ва Ўзбекистонлик олимлар аудиторнинг мустақиллиги тўла-тўқис, мутлоқ бўлмаслигини эътироф этмоқдалар. Жумладан, С.М.Бычкова мазкур вазиятни ташвиш ва фатализмга хос туйғулар билан таърифлайди: «...аудит ўтказиш учун хизмат ўқани текшириладиган компаниянинг ўзи аудиторларга тўлаши сабабли аудиторнинг мижоздан тўла мустақиллиги аслида бўлиши мумкин эмас». Лекин бундай қарашлар ортида яна бир ҳақиқат ётибдики, уни ҳар қандай

мутлоқлик амалда эришиб бўлмайдиган ҳодиса, буни фақат орзу деб баҳолаш мумкин. бироқ ташкилотларнинг бир-бири билан маълум даражада боғлиқлиги, уларнинг мустақиллигини таъминлашга салбий таъсир қилмайди.

Республикамизнинг Солиқ Қонунчилигида назарда тутилган айрим дастлабки ҳужжатларнинг қўлланилиши, чунончи бажарилган аудиторлик хизматлари учун «Бажарилган ишларни қабул қилиш ва топшириш далолатнома»сини расмийлаштирилиш тартиби ҳозирги кунда аудитнинг мустақиллик тамойилини пасайтиради. Одатда, бу ҳужжат қолган (50 %) хизмат ҳақини тўлашни мажбуран талаб этади. Чунки, ҳужжатни расмийлаштиришда ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим этиб, уни ижросида қарамликни вужудга келтириши мумкин. Бунда мижоз аудиторлик хулосасини қабул қилишдан бош тортиб ёки қабул қилиш ва топшириш ҳақидаги далолатномани имзоламай, аудиторга тазйиқ ўтказишига имконият қолади, шу тариқа аудитор мустақиллигининг бузилиши содир бўлади. Шунинг учун бундай ҳужжатни расмийлаштиришдан воз кечиш лозим деган хулосага келдик. Агар шунга эришилса, аудитнинг мустақиллик тамойили маълум даражада таъминланади.


Молиявий ҳисобот турли-туман ички ва ташқи тафсилотларининг таъсирида шаклланади. Агар аудитор етарли миқдорда далил-исботлар тўплай олмаса, хулосани тақдим эта олмайди.

Молиявий ҳисоботни текшириш бошланган пайтда аудитор бухгалтерия баланси ва унинг бошқа шакллари мазмунини кўриб чиқиб, уларнинг орасидан текширилиши лозим бўлган аниқ элементларни ажратиб олади. Ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида элементлар аудитор сегментига бирлаштирилиши мумкин. Ахборотни баҳолашга даврий ёндошувни таъминлайдиган аудитор бу сегментларнинг баъзиларидан қайта-қайта фойдаланишга мажбур бўлади. Бу элементлар ва сегментлар орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) баланс бўлимлари ва уларнинг таркибий тузилиши (улар юзасидан тахлилий ҳисоботлар одатда ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аудиторлар томонидан амалга оширилади);

б) балансининг бўлимлари ва уларнинг бўлимлари ичидаги ўзаро боғлиқлиги (аудитор ҳисоботдаги қолдиқ суммаларнинг ҳақиқийлигини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини тўғрилигини ахборотнинг фақат баланс билан эмас, бошқа шакллар, ҳисобот регистрларидаги ёзувлар билан ўзаро мувофиқлигини текширади);

в) ҳисоб регистрларидаги ёзувлар, бошланғич ҳужжатлар буларни ҳам аудиторлар ва бухгалтерлар текширади. Бундай ҳужжатларга фақат бухгалтерияга оид эмас, балки шартномаларнинг бажарилишига оид ҳужжатлар ва бошқалар ҳам кириди.



Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб ва ҳисобот материаллари ҳақиқий қиймати бўйича акс эттириши керак. Лекин мавжуд ҳисоб тизимида бу вазифани ҳам тўла ҳал қилинган, деб бўлмайди.

Аудиторлик хулосанинг реаллигини таъминлашда аудиторлик далиллар муҳим аҳамиятга эгадир. Бу далилларни етарли даражада йиғмасдан молиявий ҳисоботга реал хулоса бериб бўлмайди.

Аудиторлик далилларининг манбаларини ички, ташқи ва аралаш манбаларга ажратиш мумкин. Молиявий ҳисобот аудити дастурини тузишда, аудиторлик далилларини тўплашда ва уни бажариш жараёнида текширувчилар унинг тўғрилиги ҳақида тўла ишончга эга бўлишлари лозим.

Бунинг учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

- ишончлилиқ (асослилиқ);
- зарурият;
- ўринлилиқ;
- етарлилиқ.

Хўжалиқ юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботни текширишда аудитор барча далилларни тўплайди ва уни ўзининг ишчи ҳужжатида расмийлаштиради. Текшириш жараёнида бухгалтерия ҳисобида йўл қўйилган хато-камчиликларни аниқлайди.

Бу камчиликлар тўпланган далиллар миқдориغا боғлиқ; у кам, анча ва кўп бўлиши мумкин. Эришилган ишончлилиқ даражаси шунга қараб ўзгаради: тўпланган далиллар ҳажми кўп бўлса ишончлилиқ даражаси юқори бўлади ёки аксинча. Аудиторлик далилларни тўплашнинг бу жиҳатлари диссертацияда статистик усуллардан фойдаланиб батафсил тадқиқ этилган.

Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни янада яхшилаш учун аудиторнинг бир қанча ишчи ҳужжатларининг такомиллашган шакллари тавсиф қилинди. Бу ишчи ҳужжатлар аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари(қоидалари)да ифода этилиши кўрсатилди. Ишда аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари намунаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсиф этилди.

Текшириш жараёнида аниқланган тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар аудиторнинг ИХ-1 «Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва асосий китоб регистрлари мувофиқлигини текшириш натижасидан аниқланган тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар» шаклидаги ҳисобот ҳужжатида умумлаштирилади ва аудиторлик текширишининг тегисли бўлимига киритилади (3-жадвал).

Аудитор молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда дастлабки ҳужжатлардаги маълумотлар бўйича аниқланган тафовутларнинг таснифи биз таклиф этаётган аудиторнинг ишчи ҳужжати-ИХ 1-сонли шаклида расмийлаштирилади.

**Бухгалтерия ҳисобида йўл қўйилган хато - камчиликлар ва уларнинг молиявий ҳисобот ҳаққончилигига таъсирини аниқлаш бўйича аудиторнинг ишчи ҳужжати ИХ 1-сон**

№	Тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар	Йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг таснифи	Хатоларнинг молиявий ҳисобот ҳаққончилигига, солиқ қонуночилигига таъсири
1	«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом, 1-илова 1.18-банд	Бош муҳандиснинг хизмат сафари бўйича аванс ҳисоботи тасдиқланган ва меъёрдан ошиқча 250 минг сўм туланган	Низомнинг 1-иловасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган базани сунъий камайтирган ва фойдани асоссиз 250 минг сўмга ошишига олиб келган
2	«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом, 1-илова -банд	Дастлабки ҳужжатларга мувофиқ ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси ишчиларнинг шахсий варақалари, ҳисоб-тулов, ҳисоблашиш ведомостлари, ҳисоб регистрлари (журнал-ордер, бош дафтар) маълумотларига 6300 минг сўмга тўғри келмайди	6700-«Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар» счкетининг обороти ва қолдигини 6300 минг сўмга асоссиз ошишига олиб келган натижада баланснинг (1-шакл) пассив қисмидаги II бўлим 720-сатр 6300 минг сўмга асоссиз ошган
3	«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом, 1-илова 1.35-банд	Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тегишли бўлмаган моддий бойликларнинг меъёрдан ошиқча табиий камайиши 2400 минг сўм маҳсулот таннархига киритилган	Маҳсулот таннархини сунъий равишда 2400 минг сўмга оширган, шунингдек фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилмаган. Ҳисоботнинг (2-шакл) 250-сатр фойда солиғи 2400 минг сўмга камайтирилган
4	«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом, 1-илова 2.1.3.1-банд	Дам олиш кунларида ишлаган ишчиларга 1450 минг сўм миқдорда таъриф ставкаларига ва маошларига устама ҳақлар ҳисобланган	Солиққа тортиладиган базага киритилмаган. Натижада ҳисоботнинг 2-шакли 250-сатр фойда солиғи 1450 минг сўмга ноқонуний равишда камайган
5	«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом, 1-илова 1.32-банд	Ходимларга касаллиги туфайли 2940 минг сўм моддий ёрдам пуллари берилган ва маҳсулот таннархига киритилган	Маҳсулот таннархига қўшилиб уни сунъий равишда 2940 минг сўмга оширган, шунингдек фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилмаган. Ҳисоботнинг (2-шакл) 250-сатр фойда солиғи 2940 минг сўмга камайган
6	«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом, 1-илова 1.33-банд	Соғломлаштириш лагерларини сақлаш ва ишлатиш учун 11500 минг сўм тулаб берилган	Солиққа тортиладиган базага киритилмаган. Натижада ҳисоботнинг 2-шакли 250-сатр фойда солиғи 11500 минг сўмга камайган

Манба: Олмалиқ «Аммофос» ОАЖ молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Текшириш натижалари аудиторнинг текширилган счётларнинг ҳар бирига ИХ-2 шаклда алоҳида тузиладиган ишчи ҳужжатида умумлаштирилади. Текшириш жараёнида аниқланган тафировуларга

аудитор томонидан молиявий ҳисоботга тузатиш киритиш учун тавсиянома берилади.

Дастлабки хужжатлар маълумотлари ҳисоб регистрларидаги маълумотлар билан таққосланиб тафовутлари аниқланади. Аудиторнинг ишчи хужжати – ИХ 1-сонли шаклда келтирилган тафовутлар суммалари аудиторнинг ишчи хужжати-ИХ 2-сонли шаклда умумлаштирилади (4-жадвал).

4-жадвал

**Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини текширишнинг якувий натижалари буйича аудиторнинг ишчи хужжати ИХ 2-сон.**

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари буйича			Ахборот манбалари (Бош дафтар, ҳисоб регистрлари)	Счетлар буйича суммалар		Ҳисоботдаги фарқи		Счетлар корреспонденциясига тузатишлар	
	Сатр коди	Устун рақами	Счет рақами		Бухгалтерия маълумотлари буйича	Аудит маълумотлари буйича	Камайган	Қўлайган	Д-т	К-т
Даромад (фойда солигини тула-гунга қадарги фойда (зарар))	240	5	9910	Бош дафтар, «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот, 2-шакл	9540	9290		250	9910	9430
Меҳнатга ҳақ тўлаш буйича қарз	720	4	6710	Баланс, 1-шакл, Бош дафтар	22630	16330		6300	6710	9430
Резерв капитали	430	4	8510	Баланс, 1-шакл, Бош дафтар	185450	196650	11200		8510	8520
Асосий воситалар	012	4	0160	Баланс, 1-шакл, Бош дафтар	185450	196650	11200		0160	8510
Асосий воситаларнинг эскириши	011	4	0260	Баланс, 1-шакл, Бош дафтар	7330	9780	2450		8510	0260

Манба: Олмалик «Аммофос» ОАЖ молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бу шаклга мувофиқ йўл қўйилган хато-камчиликлар суммаларига тузатиш проводкалари тавсия тарзида берилади. Таклиф қилинган аудиторнинг ишчи хужжатлари (ИХ 1-сон ва ИХ 2-сон) шакллари аниқланган тафовутлар тўғрисида тезкор, аниқ маълумотлар олишга имкон беради, шунингдек аудиторнинг иш сифатини оширади.

Ҳисоб юритиш тизими хатари билан муҳимликнинг сифат кўрсаткичи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик юқоридаги 5-жадвалда келтирилган.

Ҳисоб тизимини сўтларда хатолар пайдо бўлиш эҳтимоли борлигини билдиради. Шу муносабат билан сўтлар буйича у ёки бу қолдиқларни текширишга қанча вақт кетишини олдиндан айтиб бўлмайди.

**Ҳисоб тизимининг хатари ва муҳимлик сифат кўрсаткичининг ўзаро боғлиқлиги**

Ҳисоб тизими хатари %	Даражавийлиги	Муҳимликнинг сифат кўрсаткичи %	Даражавийлиги
1	2	3	4
10	паст	9	юқори
10	паст	9	юқори
20	паст	9	юқори
30	паст	8	юқори
40	ўрта	7	ўрта
50	урта	6	ўрта
60	урта	5	ўрта
70	юқори	4	паст
80	юқори	3	паст
90	юқори	2	паст

Муҳимлик сифат кўрсаткичи ҳисоб тизими хатарига боғлиқлигини аниқлаб, муҳимлик даражасини юқоридаги жаadwalда кўрсатилгандек топишни тавсия қиламиз (6-жаadwal):

1) Аудит дастури бўлимларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисоби счётлари маълумотлари бўйича асосий кўрсаткичлар миқдори белгиланади;

2) дастурнинг барча бўлимларига асосланган ўртача арифметик аҳамияти бўйича муҳимликнинг яқунловчи даражаси аниқланади.

**Муҳимлик даражасини ҳисоблаш («Турон MSI LTD» ОАЖ мисолида)**

Асосий кўрсаткичлар номи	Асосий кўрсаткичлар миқдори, миңг сўм	Тест натижалари бўйича ҳисоб тизими хатари %	Муҳимликнинг сифат кўрсаткичи %	Асосий кўрсаткич учун муҳимлик даражаси (текшириш дастури моддалари) 2-уст. х 4-уст./100 миңг с.
1	2	3	4	5
Асосий воситалар (қолдиқ қийматида)	385766	20	8	30861
Номоддий активлар (қолдиқ қийматида)	225	20	9	20
Капитал қуйилмалар	1452	30	7	101
Товар-моддий захиралар	318475	40	7	22293
Дебиторлар	824969	20	9	74247
Пул маблағлари	138057	30	8	5939
Қисқа муддатли инвестициялар	35000	20	9	3150
Устав капитали	342047	20	9	30784
Резерв капитали	372426	50	6	22345
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар)	884001	40	6	53040
Жорий мажбуриятлар, ҳаммаси	105587	50	6	6335

Манба: «Турон MSI LTD» ОАЖнинг 2003 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

6-жадвалдаги маълумотларга мувофиқ 5-устундаги кўрсаткичларнинг ўртача арифметик аҳамияти: (30861+20+101+22293+74247+5939+3150+30784+22345+53040+6335): 11=22646 минг сўми ташкил қилади.

Олинган миқдор кўрсаткичидан аудиторлик текширишни режалаштириш чоғида муҳимлик даражасининг қиймати сифатида фойдаланиш мумкин.

Аудиторларга ва аудиторлик ташкилотларига таклиф этилган бу усулдан аудиторлик текширишларини режалаштириш чоғида фойдаланиш тавсия қиламиз. Ҳозирги пайтда аудиторлар учун муҳимликни баҳолаш муаммосини аудиторлик амалиётида қўллаш зарурияти алоҳида долзарб бўлиб турибди. Бу эса шу муҳимликни баҳолашни тақазо қилмоқда. Бунинг амалий аҳамияти ҳар бир аудиторлик ташкилотда муҳимлик базасини таянлашнинг ўз усулини қўллаш заруратики келтириб чиқаради. Буларнинг ҳаммаси муҳимликнинг миқдорини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу туфайли ишда ушбу масала бўйича аудитнинг миллий стандартини ишлаб чиқиш лозимлиги асосланди.

Шу пайтгача мамлакатимизда қабул қилинган 19 та аудиторлик миллий стандартларида аудиторлик фаолиятининг муҳимлиги аниқ мезони мавжуд эмас. Шунинг учун бизнинг фикримизча 9-сонли «Аудитда муҳимлик» миллий стандартига қўшимча киритиш мақсадида муҳимликнинг учта базасини таклиф қиламиз:

- а) реализация ялпи ҳажмидан ҚҚСсиз 3 фоизи;
- б) корхона валюта балансидан 5 фоизи;
- в) корхона ўз капиталидан 10 фоизи.

Таклиф этилган муҳимликнинг мазкур 3 та базаси корхоналарнинг аудитини ўтказиш амалиётида қўллаш жараёнида анча қулайликларга олиб келади. Буларнинг ҳаммаси муҳимликнинг мақбул даражасини белгилашда, аудиторлик фаолиятининг сифатини оширишда аудиторлар ёрдам беради.

Бунда, муҳимлик даражасининг сифат кўрсаткичини ҳисоб тизими хатари кўрсаткичидан фойдаланиб баҳолаш тавсия этилади. Бу молиявий ҳисоботни текширишнинг янада тўлиқ ва сифатли амалга ошганлигини ва меҳнат сарфини камайтиришга эришганидан далолат беради.

Тадқиқотда статистик усуллардан фойдаланиш аудиторлик фаолиятида энг самарали усуллардан бири эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. Аудиторлик фаолиятида статистик усулларнинг қўлланилишида танловга асосланиш мумкин. Халқаро амалиётда ҳам аудиторлик текширувлари турли танловлар асосида ўтказилади. Кўпинча улар компьютер танлови бўлиб, дастурий таъминотга асосланади. Хорижий муаллифлар бу ҳолатни аудитнинг табиий, ажралмас жусусияти, деб тан олишади. Кўпгина мамлакатларда аудит ўтказишда танлаб олиш усулидан

фойдаланишнинг миллий стандартлари мавжуд. Шу мавзу бўйича ихтисослашган таниқли муаллифлар орасидан Рожер Адамс (Англия), Эльвин А. Арнс ва Жеймс К.Лоббек (АҚШ), Дональд Х.Робертсон (АҚШ), Т.В.Макрейя (Шотландия), Дональд А.Лесли, А.Д.Тельтельбаум, Родней Ж.Андерсон (Канада) ва бошқаларнинг номларини келтириш мумкин.

Аудитор кўп ҳолларда танлашнинг у ёки бу туридан фойдаланади. Масалан, энг оддий вариантида инвентаризация рўйхатида кўрсатилган асосий воситаларнинг 100 номидан 10-15тасини (ёки улар қийматининг 10-15% ни текшириши) ва шу асосда уларнинг умумий баланс қийматининг ҳақиқийлиги тўғрисида хулоса чиқариши мумкин. Агар танлов тўғри ўтказилган бўлса, асосий воситаларнинг баланс қиймати ва унинг танлови бўйича олинган баҳоси танлов хатоси миқдори билан фарқ қилади, холос.

Амалиётда аудиторлар танловнинг турли усулларидан фойдаланадилар. Уларнинг орасида асосийлари сифатий ва миқдорий ва мониторинг танлов усулларидир. Танлаб кузатишнинг ана шу усулларининг ҳар бири бўйича ностатистик ёки статистик танловни ташкил этиш мумкин.(7-жадвал)

7-жадвал

Сифат, миқдорий ва монетар танлов кузатишнинг асосий тавсифи

Танлов тури	Асосий тавсифи	Қўлланишда афзаллик
атрибутив танлаб кузатиш	Текширилаётган йўзма ҳисоботда маълум белгининг пайдо бўлиши частотаси (такрорланиши)ни баҳолаш (пул ифодасида эмас). Баҳолаш вариантлари: - текширилаётган белги тўғри (текширилаётган ҳисоботда мавжуд); - текширилаётган белги нотўғри (текширилаётган ҳисоботда йўқ)	Асослилик аудити
Миқдорий танлаб кузатиш	Пул ифодасидаги хатоларни, нуқсонларни баҳолаш. Баҳолаш натижаси кейинги батафсил текширишга (моҳиятини тестлаш ва текширишга) яроқли.	Ҳисобот моҳияти аудити
Монетар танлаб текшириш (МТТ)	Пул ифодасидаги бутун йўзма ҳисобот ёки хатолар ва нуқсонларни баҳолаш (текширилаётган белгининг тўғрилиги ёки нотўғрилиги) вариантларини текширилаётган йўзма ҳисоботда унинг бўлиши мумкинлигини ўз ичига олади. Баҳолаш натижалари чуқур аудит (тестлаш ва моҳиятини текшириш) учун яроқли	Ҳисоботни чуқур текшириш, моҳиятини текшириш

Хорижий аудиторлар тажрибасида кейинги йилларда миқдорий танлов орасида монетар танлаб кузатиш ажратиб кўрсатиш одат бўлган. Бу сифат ва миқдорий танлаб кузатиш усулларини қўшиб олиб боришга имкон беради.

Атрибутив танлов кузатиши алгоритми бўйича танлов салмоғи молиявий ҳисоботдаги танлаб олинган маълумотларни жами маълумотлар миқдорига бўлиш орқали аниқланади ва бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Атрибутив танлов салмоғи} = \frac{\text{Танлама туплам}}{\text{Бош туплам}}$$

Формуладаги аниқлик - бу хато қилишнинг такрорланиши.

Аудит чоғида статистик танловни қўллашнинг афзалликлари хилма-хилдир. Улардан баъзилари (энг умумийларидир) кўриб чиқилди. Энг муҳим техник афзаллиги шундаки, аудит чоғида статистик танлов қуйидагиларга имкон беради:

1. Натижаларнинг талаб қилинган аниқлигини таъминлайдиган танлов ҳажмини ҳисоблаб чиқиш (энг мақбул ҳажми ихтиёрий танлов ҳажмидан кам бўлиши эҳтимоли йўқ эмас).

2. Танлов хатоси даражасини бошқариш, яъни уни (ҳам ижобий ҳам салбий оғишиш, нуқсонларини) аудит мақсадлари учун мақбул даражада сақлаш.

3. Танлов натижалари экстраполяцияси аниқлигини белгилаш, шу асосда умуман бутун ҳисоботга берилган аудиторлик баҳосининг тўғрилигини аниқлаш.

4. Танловни тўғри ташкил этиш ва ўтказиш чоғида тўғри, ўз вақтида илмий асосланган аудиторлик далилларини олиш.

Аудиторлар юқоридаги тасниф қилинган статистик усулларга асосланган ҳолда, иқтисодий ахборотни компьютер дастурларидан фойдаланиб аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг энг мақбул усулларини қўллаш имконига эга бўлади. Бу ҳолат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мақсадини, яъни ривожланишнинг янги, янада юксакроқ даражага кўтарилиш вазифасини ҳал қилишда асосий дастурлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ишда, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш мақсадида статистик усулларни қўллаш, уни тезкор тарзда амалга ошириш учун уларни компьютерлаштириш бўйича дастурий таъминотдан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, устав капиталида хориж сармоялари бўлган хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириш молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) мувофиқ амалга оширилади. Буни инобатга олиб бундай корхоналарда аудиторлик текшируви жараёнида молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мос ҳолда аудит қилиш усули ишлаб чиқилди ва тавсия қилинди.

Ангрен Кўмир қони 2003 йил 31 декабр ҳолатига  
Аудиторнинг тузган БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ – 1-совли шакл

(милг сўм)

Активлар	29-МҲХС бўйича ўзгартирил- гунга қадар	29-МҲХС бўйича қайта баҳолаш қиймати	29-МҲХС бўйича ўзгартирилган- дан сўяг
<b>Асосий воситалар:</b>			
Бошланғич (ҳайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	66 914	6 242	73 156
Эскириш суммаси (0200)	(6 457)	(481)	(6 938)
Қолдик қиймати (сатр. 010 - 011)	60 457	5 761	66 218
<i>I бўлими бўйича жами</i>	<i>60 457</i>	<i>5 761</i>	<i>66 218</i>
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	100 000		100 000
Кассадаги пул маблағлари (5000)	55 640		55 640
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	100 052		100 052
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100)	29 300		29 300
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	25 000		25 000
Дебиторлар, жами	637 908		637 908
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	428 962		428 962
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	208 946	-	208 946
<i>II бўлими бўйича жами</i>	<i>947 900</i>		<i>947 900</i>
<b>Баланс активи бўйича жами</b>	<b>1 008 357</b>		<b>1 014 118</b>
<b>Пассив</b>			
<b>Ўз маблағлари манбалари</b>			
Устав капитали	138 600	15 800	154 400
Резерв капитали	30 042		30 042
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	25 196	(10039)	15 157
<i>I бўлими бўйича жами</i>	<i>193 838</i>		<i>199 599</i>
<b>Мажбуриятлар</b>			
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	200 600		200 600
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	216 091		216 091
Бюджетта тўловлар бўйича қарз (6400)	92 000		92 000
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз(6700)	20 571		20 571
Сугурталар бўйича қарз (6510)	30 488		30 488
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	182		182
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	254 587		254 587
<i>II бўлими бўйича жами</i>	<i>814 519</i>		<i>814 519</i>
<b>Баланс пассиви бўйича жами</b>	<b>1 008 357</b>		<b>1 014 118</b>

МХХС меъзонларига мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари пул кадрсизланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши лозим. Ҳозирги пайтда халқаро стандартлар талабларига асосан 29-МХХСни қўллаб молиявий ҳисоботни аудит қилиш учун тайёрлаш лозимлиги асосланди (8 ва 9-жадваллар).

9-жадвал

Ангрен Кўмир қони 2003 йил 31 декабр ҳолатига

Аудиторнинг тузган **МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ** - 2-совли шакл

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	29-МХХС бўйича ўзгартирилгунга қадар		29-МХХС бўйича ўзгартирилгандан сўнг	
	Даромад-лар	Харажат-лар	Даромад-лар	Харажат-лар
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушум	90637		95326	
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тавнарни		33986		35767
<b>Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялли фойдаси (зарари)</b>	<b>56651</b>		<b>59559</b>	
Сотиш харажатлари		15449		16421
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	95620		101889	
<b>Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)</b>	<b>136822</b>		<b>145027</b>	
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	834		860	
Фоиалар шаклидаги даромадлар(депозит)	437		460	
Фоиалар шаклидаги даромадлар (банк %)	120		136	
Валюта курси фаркидан даромадлар	15329		16285	
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1880		1926	
<b>Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)</b>	<b>155422</b>		<b>164694</b>	
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	155422		164694	
Даромад (фойда) солиғи		22003		23173
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		17192		18209
<b>Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)</b>	<b>116227</b>		<b>123 312</b>	
Соф тушум позицияси, фойда (зарар)	7085			
<b>Соф фойда (зарар)</b>	<b>123312</b>			

Иқтисодий таҳлил учун жиддий муаммолардан бири нархларнинг умумий индексини танлашдир. Бухгалтерия ҳисоботига ўзгариш киритиш жараёнида нархларнинг умумий индексидан фойдаланиш ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ҳисобот ахбороти пулининг кадрсизланишидан ўзгаришини камайтиради. Изланадиган кўрсаткич сифатида анъанавий равишда пулнинг кадрсизланиши индикатори бўладиган истеъмол нархлари индекси (ИНИ)дан фойдаланиш тавсия этилади. Инфляция даражаси Ўзбекистон

Республикаси Иқтисодийёт вазирлигининг маълумотларга қараганда 2003 йилда 3,8% ни ташкил этди.<sup>7</sup>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, баланс ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлардаги инфляция ҳисобига қайта баҳоланиши лозим бўлган моддалар ошган. Натижада 29-МҲХС бўйича ўзгартирилгандан сўнг баланснинг актив ва пассив қисми 5761 минг сўмга, соф фойда эса 7085 минг сўмга ошган.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларда МҲХСни қўлланилиши, мамлакатимизда амал қилиниётган бухгалтерия ҳисоби қоидаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мослаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барқарорлигини ва ошқоралигини таъминлаш имконини беради. Хўжалик юритувчи субъектларда МҲХСни қўллаш бир томондан назорат қилишни ва иккинчи томондан бошқарувни такомиллаштиришни ҳамда ишончли молиявий ахборотлар билан таъминлашни тақазо қилади. МҲХСни қўллаш билан бир вақтда ўз ҳисоб ахбороти тизимини (аввало бошқарув мақсадидаги ҳисобни ва ички назоратни) такомиллаштириш учун имконият пайдо бўлади ва мамлакатимизда иқтисодий юксалиш учун қулай шароит яратилади.

39-МҲХСда молиявий воситалар улардан фойдаланишига қараб, қуйидаги йирик гуруҳларга бўлинади:

\* савдо учун мўлжалланган молиявий активлар ва мажбуриятлар;

\* компания томонидан берилган қарзлар ва дебиторлик қарзлари тўлангунга қадар ушлаб туриладиган инвестициялар;

\* соғиш учун мавжуд бўлган нақд молиявий активлар. Бундай тасниф активларни ва мажбуриятларни уларнинг турларига қараб чегаралашга имкон беради, лекин қарзларни тўлаш муддатлари бўйича бир турдан иккинчисига ўтиши (градацияси) кўзда тутилмаган.

Республикаимизда активлар ва мажбуриятларни турлари ва тўлов муддатларига қараб ажратиш тамойили мавжуд. Масалан, корхоналарда дебиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборот бухгалтерия балансининг жорий "Айланма активлар" бўлимида акс эттирилади:

220-сатрда - харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар;

230-сатрда - бунак (аванс) тўловлари;

240-сатрда - бюджет билан ҳисоб-китоблар;

250-сатрда - ходимлар билан ҳисоб-китоблар;

260-сатрда - шўба корхоналар билан ҳисоб-китоблар;

<sup>7</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якувлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодийётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Қарори Халқ сўзи 2004 йил 11 февраль

270-сатрда - уюшма корхоналар билан ҳисоб-китоблар;

280-сатрда - таъсисчилар билан ҳисоб китоблар;

290-сатрда - бошқа дебиторларнинг қарзлари.

Бундай бўлинмалар бухгалтерия ҳисоботидан ташқи фойдаланувчилар учун қарзларнинг ҳар бир тури юзасидан аниқ ахборот бермайди. Бу ҳолат қарзларни у ёки бу гуруҳида номувофиқликни келтириб чиқаради. Чунончи, 39-МҲХС бўйича келгусида маҳсулот (ишлар, хизматлар) етказиб бериш ва товар айирбошлаш операцияларида ҳисобга олинган бўнак миқдори молиявий восита ҳисобланмайди. Натажада у пул ёки бошқа молиявий активларни олиш ҳуқуқини вужудга келтирмайди. Шу туфайли ушбу жараён билан боғлиқ маълумотларни балансда алоҳида кўрсатилса, Таъсисчиларнинг ташкилот низом капиталига қўшадиган ҳиссаси бўйича қарзлари баланс пассиивида низом капитали миқдорига тузатиш сифатида акс эттириш имконини беради. Бу эса низом капиталининг ҳақиқий миқдори ва айланма маблағлар ҳажми тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлишга имкон беради.

Тадқиқотлар кўрсатадики ҳисоб ахборотини баҳолаш, эътироф этиш ва балансда акс эттириш чоғида ҳам жуда кўп баҳсли жиҳатлар пайдо бўлар экан. Бухгалтерия ҳисоботида МҲХС ва Миллий стандартларга мувофиқ равишда Дқ ва К<sub>х</sub> тўғрисидаги ахборотни баҳолаш, эътироф этиш ва очиб беришда ҳамон турлича ёндашувлар мавжуд. Бу 10-жадвалда умумлаштирилган.

Ҳозирги пайтда самарали фоиз ставкасини ҳисоблаб чиқариш усули ишлаб чиқилмаган, амортизацияни ҳисобдан чиқариш тартиби аниқланмаган. Бизнинг фикримизча мамлакатимиз ҳисоб жараёнида самарали фоиз ставкасининг қўлланиши қайтариб олишга умид қолмаган қарзлар ҳажмини аниқлаш имкониятини яратади. Шу туфайли бу масалага аниқлик киритиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бухгалтерия ҳисобини 21-миллий стандартга мувофиқ заҳира миқдори қарздорнинг молиявий аҳволига (тўлов қобилиятига) ва қарзни тўла ёки қисман тўлаш эҳтимолига қараб ҳар бир шубҳали қарз бўйича алоҳида аниқланади, бироқ, улар билан ҳисоблашиш учун аниқ тавсиялар берилмаган.

Биз тадқиқот натижалардан келиб чиқиб, шубҳали қарзлар бўйича ҳисоблашнинг такомиллашган икки усулини тавсия қилмоқдамиз:

- нетто-реализациядан фоиз усули;

- сётларни тўлов муддатига қараб ҳисобга олиш усули.

«Реализация, бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар ҳажмидан фоиз)» усули замирида реализациянинг умумий ҳажмида ўнмайдиган қарзлар миқдори фоизини ҳисоблаш ётади. Бунинг учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми ва тўланмаган сётлар миқдори таҳлил қилиниши зарур. Бундай ҳисоблаш усули

халқаро тажрибага яқинлашишга имкон яратиб ўнмайдиган қарзлар миқдорини аниқ ҳисоблашга ёрдам қилади.

10-жадвал

**Дебитор қарзлар(Дқ) ва кредитор мажбуриятларни (Кқ) баҳолаш ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича миллий ҳисоб стандартимиз ва халқаро стандартлар ўртасидаги асосий тафовутлар**

Кўрсаткичлар	Бухгалтерия ҳисоби қоидалари талаблари бўйича	МҲХС талаблари бўйича	Бизнинг тавсияларимиз
Эътироф этиш (ҳисобда акс эттириш)	Ҳисобда Дқни эътироф этиш кредитор ташкилот ўз маҳсулоти (иш, хизмат)ни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотишдан олинган тушум миқдориди амалга оширилади.	Молиявий актив, молиявий мажбурият, ташкилот шартномасига кўра молиявий воситага айланганда эътироф этилади, яъни битим тузилган ёки ҳисоблашилган пайтда унда активни олишга қонуний ҳуқуқ ёки уни топшириш мажбурияти пайдо булади.	Республикаимиз амалиётида ва халқаро тажрибада эътироф мулк ҳуқуқи ўтган даврда (бу одадда шартномада белгиланган) юз беради.
Баҳо	Шартномада кўрсатилган миқдорда (фоиз ёки тижорат кредити бўйича устама, нарх тафовутини ҳисобга олган ҳолда).	Счёт-фактурада кўрсатилган дастлабки миқдорда баҳоланадиган қисқа муддатли Дқдан ташқари самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланиб, амортизацияланган харажатлар миқдориди баҳоланади	МҲХС да молиявий активлар баҳоси дастлабки ва кейинги баҳоларга ажратилади, кейинги баҳо қиймати пасайган Дқга киритилган тузатишни акс эттиради. Тузатиш алоҳида счёт ёрдамида ёки туғридан-туғри ҳисобдан чиқариб юбориш йўли билан киритилади
Балансда акс эттириш	Дқ баланс активиди "айланма активлари" бўлимида шубҳали қарзлар бўйича заҳира миқдорига киритилган тузатишни ҳисобга олиб акс эттирилади	Дқ баланс активиди "Олинадиган қарзлар" счёти бўйича "Жорий активлар" бўлимида умидсиз қарзлар миқдорига тузатиш киритилиб, сальдо сифатида акс эттирилади. Кқ баланс пассивиди "Кредиторлик қарзлари" бўлимининг "Тўлов счётлари" сатрида сальдо сифатида акс эттирилади	МҲХС да амортизацияланган харажатлар бўйича молиявий активлар баҳоси "Шубҳали қарзларга тузатиш" аниқ счётини кузда тутати, унинг миқдори эса "Олинадиган қарз"даги ўз қийمатидин ушлаб қолинади ва баланс активиди алоҳида сатрда акс эттирилади. Миллий стандартларни кўра, шубҳали қарзлар бўйича тузилган заҳира ташкилот балансиди алоҳида счётда акс эттирилмайди, чунки заҳираси яратилган Дқ кўрсаткичлари миқдори шунчи ҳажмга камайтирилади

Хулоса қилиб айтганда, бу усулларнинг қўлланилиши, биринчидан, йил бошида ҳам, йил давомида ҳам заҳира барпо этиш учун имконият яратади. Иккинчидан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга дебитор қарз миқдори ва уни тўлаш манбаслари тўғрисида аниқ ахборот беради. Бироқ, ҳозирги шайтда заҳирани балансда акс эттириш муаммоси мавжуд. Чунки эски шаклда унинг миқдори алоҳида сатрда кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўларди.

### III. ХУЛОСА

Олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар, амалий тажрибалардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва таклифларни қилиш имкониятини беради:

1. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишнинг назарий ва методологик муаммоларини ҳал қилиш учун чуқур тадқиқотлар олиб борилди ва уни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ишлаб чиқилди.

2. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва назорат соҳасини ҳам ислоҳ қилишни тақозо қилмоқда. Бу талабдан келиб чиқиб, ушбу дастакларни ислоҳ қилишнинг объектив зарурлиги назарий жиҳатдан асосланиб ҳамда аудитнинг, айниқса молиявий ҳисобот аудитининг вужудга келиши ва уни ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилди.

3. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда мустақиллик тамойили муҳим аҳамиятга ва ўзига хос хусусиятларга, тамойилларга эга. Шу туфайли ушбу масала назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди ва такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга таклиф қилинди.

4. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг ривожланиши «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни, аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини, миллий стандартларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Буларни инobatга олиб аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришга оид меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Аудиторлик ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун уларнинг ички стандартларини (қоидаларини) шакллантириш лозим. Аммо бундай тартиб ҳамон ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари, хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди.

6. Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Шу туфайли уни такомиллаштириш бўйича халқаро стандартлар талабига мос равишда ўзимизнинг хусусиятларимиздан келиб чиқиб тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тартибга солиш, мустақил текшириш чоғида томонларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва ўзаро масъулияти (жумладан, аудиторларнинг учинчи шахслар олдидаги масъулияти,

жавобгарлиги ва аудиторларнинг жинойи жавобгарлиги) бўйича кўп ноаниқликлар мавжуд. Буни инobatга олиб, улар ўртасидаги муносабатларга зарур аниқликлар киритилди ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди;

Илмий ишда аудитор мустақиллигининг турли муаммолари умумлаштирилди ва тавсифлаштирилди. Аудитор ва унинг мижози масъулиятининг турли жиҳатлари (асосий фарқи, вужудга келадиган шароит, реализация усуллари, эҳтимоли бўлган тўқнашувлар ва бошқалар) алоҳида тадқиқ қилинди. Аудиторларнинг масъулиятининг (унинг айрим турлари бўйича) турли жиҳатлари яъни унинг фақат мижозлар олдидагина эмас, балки учинчи шахслар олдидаги масъулияти ҳам атрофлича кўриб чиқилди ва махфий маълумотларни ошкора қилганлик учун жинойи жавобгарлик масалалари аниқ кўрсатиб берилди.

8. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга қарши суд орқали даъволарнинг (шу жумладан, асосиз даъволарнинг) сабаблари ҳамда аудиторларни ҳимоя қилишнинг энг мақбул усуллари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган эди. Шу туфайли ушбу масалани ҳал қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

9. Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш натижаларига кўра аудиторларнинг профессионал жавобгарлигини суғурталаш масалалари ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Ишда ушбу муаммони ҳал қилишга оид таклифлар ишлаб чиқилди ва уларни тегишли меъёрий ҳужжатларда ифода этиш бўйича тавсиялар берилди;

10. Хўжалик юритувчи субъектлар текширилаётган молиявий ҳисоботда эҳтимоли бўлган хатолар ва суйистеъмолларини тасниф этиш, муҳимлик даражаси билан аудиторлик ҳулосасининг шакли ўртасидаги узвий боғлиқлик таҳлил қилинди ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берилди

Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда муҳимлилик даражасини аниқлаш илмий асосланди. Муҳимлилик даражаси қанча юқори бўлса, умумий аудиторлик хатари шунча ким ва аксинча бўлиши исботланди. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларида муҳимлиكنинг мезонлари ишлаб чиқилди ва тавсия этилди.

11. Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш учун аудиторлик статистикасининг бир қанча усуллари қўллаш объектив заруриятга айланиб бормоқда. Буни инobatга олиб ушбу масалалар бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилди. Халққро тажрибада ҳам тан олинган алоҳида шартлардан бири аудиторлик статистик танловини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу туфайли уни ташкил этишнинг умумий қизмаси, танловни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини баҳолаш усуллари тадқиқ этилди. Шунингдек, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда

статистик усуллардан фойдаланиб, уларни компьютерлаштириш бўйича дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва аудитни ўтказишнинг энг мақбул, тезкор усулда амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди.

12. Илмий тадқиқот устида ишлаш чоғида хатарга асосланган аудит ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижаларини динамик меъёрлар ва нопараметрик статистика (даража усуллари) асосида баҳолаш билан тўлдирилиши аниқланди. Бунинг учун аудиторлик тадбирларни маълум изчиллиги тадқиқ этилди. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботини текширув натижаларига баҳо беришда яхлит ёндашувга асосланган усуллар билан ахборот хатари даражасини пасайтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди ва шу асосда унинг аудитини ўтказиш такомиллаштирилди.

13. Аудитнинг миллий стандартларини халқаро стандартлар асосида мувофиқлаштириш масалалари таҳлил қилинди, шунингдек халқаро тажриба ўрганилиб чиқилди, аудитнинг миллий ва халқаро стандартларнинг шунга мувофиқ тартиб-қоидалари қиёсланди. Уларни мамлакатимиз аудиторлик фаолиятига тадбиқ қилиш йўллари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилиш учун тавсия этилди.

14. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботни аудит қилишда 29-молиявий ҳисобнинг халқаро стандартини (МҲХС ни) қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг барча шакллари (Баланс ҳисоботи, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ҳисобот шакллари) қамраб олиш асосланган, чунки молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган. Аммо аудит бунга асосланмаган. Шу туфайли аудитни МҲХСга асосан ўтказиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

15. Хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МҲХС) асосида ҳисобга олишнинг энг мақбул усулларини қўллаш варианты ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилиш тавсия этилди.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалиётга қўлланилса, мамлакатимизда аудиторлик фаолияти халқаро стандартларга мос равишда, ўзимизга хос тараққиёт йўлини инobatга олган ҳолда такомиллашади ва улар олий ўқув юртлари учун тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларига киритилса ушбу соҳа бўйича фанга янада анча аниқликлар киритилади, деб ўйлаймиз.

#### IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

##### I. Монография ва илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалар

1. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари. Илмий монография. Тошкент молия институти, 2004 й. - 14 б.т.
2. Маматов З.Т., Обломуродов Н.Н. Финансовая отчетность Коммерческих банков по международным стандартам бухгалтерского учета. //Ж. «Рынок, деньги и кредит» №12, 2001 г. -0,6 п.л. 35-39 стр.
3. Маматов З.Т., Махамадиев А.А. Аудиторская деятельность в республике Узбекистан. //Ж. «Аудитор» г. Москва №2, 2002 г. 0,4 п.л. 55-57 стр.
4. Маматов З.Т., Махамадиев А.А. Модель аудиторского заключения в соответствии с НСАД в Республике Узбекистан. //Ж. «Аспирант и соискатель» г. Москва. №6, 2001 г. 0,5 п.л. 77-80 стр.
5. Маматов З.Т. Аудитор - дўст ва ҳамкор. //Ж. Солиқ тўловчининг журнали, №4, 2002 й. -0,2 б.т. 32-33 б.
6. Маматов З.Т. Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш. //Ж. «Бозор, пул ва кредит №6, 2002 й.» -0,6 б.т. 51-54 б.
7. Маматов З.Т., Охунов О., Махмудов А.Н. Ўзбекистонда аудитни ривожлантириш истиқболлари. //Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №7-8, 2002 й. -0,3 б.т. 12-13 б.
8. Маматов З.Т., Қўзиёв И.Н. Аудиторлик фаолиятида мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудитнинг амал қилиши. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» №9, 2002 й. -0,3 б.т.
9. Маматов З.Т., Махмудов А.Н. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалалари. //Ж. Хужалик ва ҳуқуқ, №5, 2002й. -0,2 б.т. 27-30 б.
10. Маматов З.Т. Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида аудит ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари. //Ж. «Бозор, пул ва кредит» №12, 2003 й. -0,6 б.т. 7-10 б.
11. Маматов З.Т. Актуальные проблемы развития аудита в Узбекистане. //Ж. «Экономика и класс собственников» №4, 2003 й. -0,4 б.т. 34-36 с.
12. Маматов З.Т. Молиявий ҳисоботни аудит қилишда услубий далилларнинг зарурлиги. //Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», №4, 2004 й. -0,5 б.т.
13. Маматов З.Т. Виды аудиторских выборок и методы оценки их результатов. //Ж. «Актуальные проблемы современной науки», Москва, №2, 2004 г. -0,3 б.т. 140-142 с.
14. Маматов З.Т. Аудит и бухгалтерский учет Узбекистон қишлоқ хужалиги №5, 2004й. -0,2 б.т. 10 с.

15. Маматов З.Т. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалалари. Хўжалик ва ҳуқуқ журнали, 11.2002 й. -0,3 б.т.

16. Маматов З.Т. Ўзбекистонда аудитни ривожлантиришнинг айрим масалалари. //Ж. «Бозор, пул ва кредит», №11-12, 2003 й. -0,3 б.т. 73-76 б.

17. Маматов З.Т. Аудиторлик фаолиятида муҳимлик шарти. //Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», №10-11, 2002 й. -0,2 б.т. 40-41 б.

18. Маматов З.Т., Ибрагимов А.К. Аудит финансовой отчетности на основе международного учета финансовой отчетности. //Ж. «Вопросы экономических наук», Москва, изд. дом «Спутник», №1, 2005 г. - 0,4 п.л. 189-191 с.

19. Маматов З.Т. Ўзбекистонда аудитни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. //Ж. «Бозор, пул ва кредит», №2, 2005 й. -0,4 б.т. 33-36 б.

## II. Илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар

20. Маматов З.Т. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматини такомиллаштириш. ТМИ Халқаро Конференция материаллари, 1998 й. май. -0,1 б.т.

21. Маматов З.Т. Аудиторлик фаолияти: ҳуқуқий муносабатлар ва муаммолар. ТМИ. Халқаро илмий амалий конференция материаллари, 2004 й., 11-12 февраль. -0,1 б.т.

22. Маматов З.Т. Вопросы оплаты труда аудиторов в Узбекистане. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академияси, Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 1999 й. -0,1 б.т. 105-106 б.

23. Маматов З.Т. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. ТМИ. Халқаро илмий амалий конференция 2002 й., апрель. -0,1 б.т. 68-71 б.

24. Маматов З.Т., Махаммадиев А.А. Перспективы развития аудита в Узбекистане. Материалы научно-практической конференции МГУ им. М.В.Ломоносова «Татуровские чтения» Москва, МАКС Пресс 28-29 июня 2001 г. 0,3 б.т. 232-236 с.

25. Маматов З.Т. Аудит: проблемы и перспективы развития ТФИ. Международные научно-практические конференции. 11-12 февраля 2004 г. -0,1 б.т. 427-430 с.

26. Маматов З.Т. Аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда инсон омили. ТМИ. Илмий-амалий конференция 15 апрель, 2004 й. -0,1 б.т. 19-23 б.

27. Маматов З.Т. Ўзбекистонда аудитни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. Солиқ ва божхона органлари Академияси, Халқаро илмий амалий конференция 16-17 октябрь 2002 й. -0,1 б.т. 92-95 б.

28. Маматов З.Т. Аудиторлик фаолияти: ҳуқуқий муносабатлар ва муаммолар. ТМИ. Илмий-амалий конференция 11-12 февраль, 2004 й. -0,1 б.т. 412-415 б.

29. Маматов З.Т., Азизов Ш.Ў. Аудиторлик фаолияти юритишдаги муаммолар. ТМИ. Илмий-амалий конференция 24-25 ноябр, 2004 й. - 0,1 б.т.


30. Маматов З.Т., Азизов Ш.Ў. Internal Auditing Standarts for the Government of Uzbekistan. Danmark, Aarhus. «Essential issues of development on education science and economy» мавзусида илмий-амалий конференция, 16 February, 2005 у. -0,2 б.т. 83-94 стр.

### III. Ўқув услубий ишлар

31. Маматов З.Т. ва бошқ. Аудит. (ўқув қўлланма) -Т.:«Тошкент Ислам Университети» нашриёти, 2002. 17 б.т.-280 б.

32. Маматов З.Т. АУДИТ масалалар тўплами, ТМИ босмахонаси-2001й. -5,1 б.т. -82 б.

Изланувчи:



**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Маматов Зайнидин Тулабоевичнинг 08.00.08 «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги диссертациясининг**

### **РЕЗЮМЕСИ.**

**Таянч сўзлар:** Молиявий назорат тизимида аудит, аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг мустақиллиги, аудиторлик фаолиятининг касбий этика кодекси, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш, мажбурий ва ташаббусли аудит, халқаро ва миллий аудиторлик стандартлари, аудиторлик фаолиятининг таваккалчилик ҳавф-хатари, аудиторлик исботлари ва муҳимлилик, аудиторлик хулосалари.

**Тадқиқот объектлари:** Турли мулкчилик шаклларига асосланган саноат корхоналари ва хўжалик субъектлари сифатида фаолият кўрсатиб келаётган аудиторлик ташкилотлари ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади:** Диссертациянинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ҳозирги пайтдаги ҳолатини таҳлил этиб, уни назарий, ташкилий, услубий ва ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот усули:** Диссертация тадқиқоти билиш назариясининг диалектик, дедуктив услублари, статистик гуруҳлаш, таҳлил қилини, қиёслаш, экспериментал ҳисоб-китоблар, хўжалик механизмини акс эттирувчи, иқтисодий категориялари (тушунчалари) ҳисобланган иқтисодий, молиявий кўрсаткичлар қўлланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгиллиги:** Диссертация ишида назарий, илмий янгилıklar қуйидагиларда ўз ифодасини топган: мамлакатимизда тафтиш ва назоратни ислоҳ қилишнинг объектив зарурлиги назарий жиҳатдан асосланган ва аудитнинг, айниқса молиявий ҳисобот аудитининг вужудга келиши ва уни ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган; молиявий ҳисобот аудитини ўтказишнинг ўзимизга хос жиҳатлари, тамойиллари назарий ва амалий ўрганилиб, уларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган ва тавсиялар берилган; молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (Қонунлар, аудитнинг миллий стандартлари)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган; молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш бўйича ички стандартлар (қоидалар) ишлаб чиқилган ва амалиётга қўллаш учун тавсиялар берилган; Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишидаги узига хос хусусиятлар тадқиқ қилинган, уни такомиллаштириш бўйича халқаро стандартлар талабига мос равишда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган; молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ва унинг натижалари бўйича томонларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, уларнинг ўзаро масъулияти (жумладан, аудиторларнинг учинчи шахслар олдидаги масъулияти, жавобгарлиги ва аудиторларнинг жиноий жавобгарлиги)га зарур аниқликлар киритилган ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилган; молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга қарши суд орқали даъволарнинг (шу жумладан, асосиз даъволарнинг) сабаблари ҳамда аудиторларни җимоя қилишнинг энг мақбул усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган; молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш натижаларига кўра аудиторларнинг профессионал жавобгарлигини сугурталаш масалаларига оид тақлифлар ишлаб чиқилган ва уларни тегишли меъёрий ҳужжатларда ифода этиш бўйича тавсия берилган; текширилаётган молиявий ҳисоботда эҳтимоли бўлган хатолар ва суйистеъмолларни тасниф этиш, муҳимлик даражаси билан аудиторлик хулосасининг шакли ўртасидаги муҳим боғлиқлик таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берилган; мамлакатда

молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш учун аудиторлик статистикасининг бир қанча усулларини қўллаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган; молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда статистик усуллардан фойдаланиб, уларни компьютерлаштириш бўйича дастурий таъминоти ишлаб чиқилган ва аудит ўтказишнинг энг мақбул, тезкор усулда амалга ошириш бўйича тавсиялар берилган; ҳужжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботини текширув натижаларини баҳо беришда яқлит ёндашувга асосланган усуллар билан ахборот хатари даражасини пасайтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган ва шу асосда унинг аудитини ўтказиш такомиллаштирилди; аудитни миллий стандартларини халқаро стандартларга қиёсий таққослаш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган; ҳужжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботини халқаро стандартлари асосида аудит қилишнинг илмий-амалий жиҳатлари асосланган ва уни МҚХСга мувофиқ тайёрлаш бўйича аниқ тавсиялар берилган; молиявий ҳисоботда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказишга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** Тадқиқотларнинг назарий аҳамияти шундаки, аудиторлик фаолияти бўйича тадқиқот ишида ёритилган назарий ва амалий қоидалар, хулосалар ҳамда ишланмалар Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ислоҳ қилишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкин. Айрим назарий қоидалардан “Аудит” фанини ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти, унинг назарий хулосаларидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларида аудитни ташкил этиш ва юритишда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган услубий тавсияларни қўллаш мумкин.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Муаллиф тадқиқотнинг натижалари асосида Москва, Тошкент, Фарғона ва бошқа мақсадларда ўтказилган илмий ишлаб чиқариш кенгашларида маърузалар қилинган, давра суҳбатларида қатнашган. Ўзбекистон аудиторлар палатаси ва «Прага» дастури бўйича ташкил этилган миллий амалий конференцияларда ҳамда аудиторлик фаолияти миллий стандартларини (АФМС-70, АФМС-90, АФМС-50) ишлаб чиқишда ва уларнинг муҳокамасида фаол иштирок этган ва ўз таклифларини берган. Ўзбекистонда аудитнинг вужудга келиши ва ривожланишига оид муаммоларнинг кўпгина долзарб жиҳатлари илмий тадқиқотларда акс этган.

**Қўлланилиш соҳаси:** Илмий ишда келтирилган кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти» бошқармасида ва Ўзбекистон Аудиторлар Палатасида тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот маълумотларидан Тошкент Молия Институтини ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг Ҳисоб-иқтисод факультетларида ва магистратураларида аудит фанини ўқитиш жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

## РЕЗЮМЕ

**Диссертаци** Маматова Зайнидина Тулабасвичи на тему “Вопросы совершенствования аудита финансовой отчетности хозяйствующих субъектов” на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.08. – “Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит”.

**Ключевые слова:** аудит в системе финансового контроля, независимость аудиторов и аудиторских организаций, профессиональный кодекс аудиторской деятельности, лицензирование аудиторской деятельности, обязательный и инициативный аудит, международные и национальные стандарты аудита, аудиторский риск, аудиторские доказательства и существенность, аудиторское заключение.

**Объектом исследования** являются промышленные предприятия с различными формами собственности и аудиторские организации, действующие в качестве хозяйствующих субъектов.

**Цель диссертационной работы:** анализ действующего состояния аудита финансовой отчетности в хозяйствующих субъектах и совершенствование его теоретических, организационно-методологических и правовых основ.

**Метод исследования:** базируется на применении ряда научных методов диалектики, дедуктивной методики, статистической группировки и экономических категорий (понятий), выражающих хозяйственный механизм, таких как анализ, отбор, сравнение, экспериментальный расчет.

**Полученные результаты и их новизна:** В диссертационной работе приведены теоретические и научные новизна, а именно: теоретически обоснована объективная необходимость реформирования в нашей стране ревизии и контроля и показан процесс возникновения аудита, особенно аудита финансовой отчетности и указаны пути его развития; теоретически и практически изучены специфические аспекты аудита финансовой отчетности, его принципы, разработаны пути их совершенствования и предложены соответствующие рекомендации; разработаны конкретные рекомендации по внесению изменений и дополнений в правовые и нормативные документы по совершенствованию аудита (Законы, национальные стандарты аудита); разработаны внутренние стандарты (правила) по проведению аудита финансовой отчетности и даны рекомендации по их практическому применению; исследованы своеобразные особенности формирования и дополнения аудиторских услуг в Узбекистане, разработаны соответствующие рекомендации по его совершенствованию, отвечающих требованиям международных стандартов; выработаны необходимые уточнения относительно прав, обязанностей и взаимных обязательств сторон (в том числе обязательства, ответственность аудиторов перед третьими лицами и вопросы их уголовной ответственности) по аудиту финансовой отчетности и его результатам и даны соответствующие рекомендации по их выполнению; разработаны рекомендации по определению причин судебных исков против аудиторских организаций и аудиторов (в том числе и необоснованных) и наиболее оптимальных способов защиты аудиторов; по результатам аудита финансовой отчетности разработаны предложения по вопросам страхования профессиональной ответственности аудиторов и даны рекомендации по их закреплению в соответствующих нормативных документах; классифицированы возможные ошибки и злоупотребления в проверяемой финансовой отчетности, проанализирована зависимость между степенью существенности и формой аудиторского заключения и даны научно обоснованные рекомендации по их совершенствованию; разработаны научные рекомендации по применению ряда способов аудиторской статистики для совершенствования аудита финансовой отчетности в нашей стране; разработано программное обеспечение по использованию статистических методов в аудите финансовой отчетности и их компьютеризации, а также по проведению аудита самым приемлемым и оперативным способом; разработаны рекомендации по уменьшению уровня информационного риска методами, основанными на системном подходе к оценке результатов проверки финансовой отчетности хозяйствующих субъектов, на основе чего был совершенствован ее аудит; даны рекомендации по сравнительному анализу национальных и международных стандартов аудита, по приведению его в соответствие с международными стандартами, обоснованы научно-практические аспекты аудита финансовой отчетности хозяйствующих субъектов в соответствии с международными стандартами и даны конкретные рекомендации по его подготовке согласно с МСФО; разработаны соответствующие рекомендации по проведению аудита финансовой отчетности по дебиторским и кредиторским задолженностям в соответствии с международными стандартами.

**Практическая значимость:** теоретическое значение исследования состоит в том, что приведенные в исследовании аудиторской деятельности теоретические и

практические нормы, заключения и разработки могут быть использованы для выработки концептуальной базы реформирования системы аудита в Узбекистане в соответствии с международными стандартами. Отдельные теоретические положения могут быть применены в процессе обучения предмета "Аудит".

Практическое значение заключается в том, что разработанные автором методические рекомендации и теоретические заключения могут быть применены в организации и проведении аудита в аудиторских организациях, действующих в нашей стране.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** по результатам исследования автор выступал с докладами на научно-производственных конференциях, семинарах в Москве, Ташкенте, Фергане и других городах Узбекистана, участвовал в круглых столах. Также активно участвовал в научно-практических конференциях, организованных Палатой аудиторов Узбекистана и по программе "Прага", в разработке национальных стандартов (НСАД-70, НСАД-90, НСАД-50) аудиторской деятельности и их обсуждении, выдвигал свои предложения. В научных исследованиях изложены многие актуальные стороны проблем возникновения и развития аудита в Узбекистане.

**Область применения:** Приведенные в научной работе указания были приняты для внедрения в практику управлением "Методология бухгалтерского учета и аудита" Министерства финансов и Палатой Аудиторов Узбекистана.

Материалы исследования широко применяются в процессе обучения предмета аудита в Ташкентском финансовом институте и в учетно-экономических факультетах и магистратурах Ташкентского Государственного экономического университета.

#### RESUME

**Thesis of Mamatov Zaynidin on a theme «Questions of perfection of audit of the financial reporting of managing subjects» on competition of a scientific degree of Doctor of Economics on a speciality 08.00.08. – «Accounting, the economic analysis and audit».**

**Keywords:** audit in system of the financial control, independence of auditors and the auditor organizations, the professional code of auditor activity, licensing of auditor activity, obligatory and initiative audit, the international and national standards of audit, auditor risk, auditor proofs and importance, the auditor conclusion.

**Object of research:** are the industrial enterprises with various patterns of ownership and the auditor organizations operating as managing subjects.

**The purpose of dissertational work:** the analysis of an operating condition of audit of the financial reporting in managing subjects and perfection of its theoretical, organizational-methodological and legal bases.

**Technique of research:** is based on application of some scientific methods of dialectics, a deductive technique, a statistical grouping and the economic categories (concepts) expressing an economic mechanism, such as the analysis, selection, comparison, experimental calculation.

**The received results and their novelty:** In dissertational work are resulted theoretical and scientific novelty, namely: objective necessity of reforming for our country of audit and the control is theoretically proved and process of occurrence of audit is shown, especially audit of the financial reporting and ways of its development are specified; theoretically also specific aspects of audit of the financial reporting, its principles are practically studied, ways of their perfection are developed and offered corresponding; Internal standards (rules) on carrying out of audit of the financial reporting are developed and recommendations on their practical application are given; original features of formation of the market of auditor services in Uzbekistan are investigated, corresponding recommendations on its perfection, meeting the requirements international standards are developed; necessary specifications are developed is rather right, duties and mutual obligations of the parties (including obligations, the responsibility of auditors before;

By results of audit of the financial reporting offers concerning insurance of the professional responsibility of auditors are developed and recommendations on their fastening in corresponding normative documents are given; possible mistakes and abusings in the checked financial reporting are classified, dependence between a degree of importance and the form of the auditor conclusion is analysed and scientifically proved recommendations on their perfection are given; On application of some ways of auditor statistics scientific recommendations are developed for perfection of audit of the financial reporting in our country; The software on use of statistical methods in audit of the financial reporting and their computerization, and also on carrying out of audit by the most comprehensible and operative way is developed; recommendations on reduction of a level of information risk by the methods based on the system approach to an estimation of results of check of the financial reporting of managing subjects on the basis of what was совершенствован its audit are developed; Recommendations under the comparative analysis of national and international standards of audit, on its reduction conformity with the international standards are given, scientifically-practical aspects of audit of the financial reporting of managing subjects according to the international standards are proved and concrete recommendations on its preparation according to with ISFR are given; Corresponding recommendations on carrying out of audit of the financial reporting on debtor's and to creditor debts according to the international standards are developed.

**The practical importance:** theoretical value of research consists that resulted in research of auditor activity theoretical and practical norms, the conclusions and development can be used for development of conceptual base of reforming of system of audit in Uzbekistan according to the international standards. Separate theoretical positions can be applied during training a subject "Audit".

Practical value consists that the methodical recommendations developed by the author and the theoretical conclusions can be applied in the organization and carrying out of audit in the auditor organizations operating in our country.

**Degree of introduction and economic efficiency:** by results of research the author acted with reports at research-and-production conferences, seminars in Moscow, Tashkent, Fergana and other cities of Uzbekistan, participated in round tables.

Also actively participated in the scientifically-practical conferences organized by Chamber of auditors of Uzbekistan and under the program «PRAGMA», in development of national standards (NSAA-70, NSAA-90, NSAA-50) auditor activity and their discussion, put forward the offers. In scientific researches many actual parties of problems of occurrence and development of audit in Uzbekistan are stated.

**Scope:** the instructions Resulted in scientific work have been accepted for introduction in practice by management " Methodology of accounting and audit " the Ministries of Finance and Chamber of Auditors of Uzbekistan.

Materials of research are widely applied during training a subject of audit in the Tashkent Financial Institute and in registration-economic faculties and magistracies of the Tashkent State Economic University.

Босишга рухсат етилди	06.03.05
Қоғоз бичими	30x42 1/8
Ҳисоб нашр табаги	2.2 б.т.
Адади	100
Буюртма	№ 23